Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 12 ноябрь, № 220 (5387) Шанба

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Президентимиз Ислом Каримов тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мустақил тараққиёт йўлимизнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу тарихий ҳужжат давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлди. Унда давлат ва жамият ривожининг янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилишнинг узоқ стратегик аниқ дастури белгилаб берилди.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи йўналишларда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича устувор йўналишлар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир”.

Бугун жаҳонда глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олаётган, дунё мамлакатларининг инсон манфаатларига хизмат қиладиган том маънодаги демократик йўлни танлаб олишга бўлган интилишлари кучайган бир шароитда давлатимиз раҳбари тақдим этган ушбу Концепция халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди ва кенг эътироф этилди. Демократияга асосланган фуқаролик

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

жамиятини ривожлантиришнинг энг оқилона ва одилона йўли, муҳим қонунчилик ташаббуслари нафақат Ўзбекистон тараққиётининг кейинги босқичларига хизмат қилиши, айни пайтда бошқа мамлакатлар учун ҳам демократик тараққиётга эришишда намуна бўлиши нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижлик экспертлар, йирик сиёсатчилар томонидан алоҳида қайд этилди.

Ўтган бир йил давомида Концепцияда белгиланган барча устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш борасида аниқ вазифалар белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилаётир. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида сиёсий тизимни изчил модернизация қилишга, давлат ва жамият тараққиётининг мутлақо янги босқичини бошлаб беришга хизмат қилувчи муҳим тарихий қонунлар қабул қилинди.

Жорий йил 19 апрелда Президентимизнинг қонунчилик ташаббусига мувофиқ ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун ҳам қабул қилинди. Мазкур Қонун билан амалдаги еттита муҳим қонунга, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ва “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда).

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида тарғиб этишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Республика Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари вакиллари, Навоий вилоятидаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақиллиққа эришиш остонасида» асари ўқувчига тарихан қисқа даврда мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, истиқлол арафасида қандай синов ва машаққатлар енгиб ўтилгани ҳақида ёрқин тушунча беради.

Китобда баён этилган мустақилликка эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги теран фикрлар, халқимиз бошидан кечирган турли воқеалар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлидаги жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ ҒОЯЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир

Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси халқимиз ҳамда халқаро жамоатчилик, шунингдек, илмий доиралар томонидан чуқур таҳлил этилиб, атрофлича ўрганилмоқда.

Айни чоғда ушбу дастурий ҳужжатда илгари сурилган қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган илмий-амалий конференция ана шу масалаларга бағишланди. Ушбу олий таълим муассасаси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ва талабалар қатнашди.

Тадбир

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки пайтлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” дея эътироф қозонган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Ўтган даврда бу модель асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат қурилиши тубдан янгиланди, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги таъминланди. Айтиш лозимки, Концепциянинг мазмун-моҳияти бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришга қаратилган.

— Концепция мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ушбу ҳужжатда илгари сурилган ғоялар жуда кўплаб илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ғафуржон Муҳамедов. — Жумладан, университетимиз олимлари ҳамда ёш тадқиқотчиларимиз мазкур дастурий ҳужжат асосида бир қатор тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Анжуман доирасида кўплаб олий таълим муассасалари тадқиқотчилари илмий маърузалари тингланди. Шунинг ўзиёқ Концепция кўплаб илмий тадқиқотларга туртки бераётганлигини кўрсатиб турибди.

— Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ кўплаб илғор ғоялар илгари сурилган, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● Гулистон туманидаги “Юлдузхон Бокирхон боғи” фермер хўжалиги қошида банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Пировардида бу ерда йилига 20 тоннага яқин ширинликлар тайёрлаш имконияти юзага келди.

● Қибрай туманилик тадбиркор Дилмурод Умаров саъй-ҳаракати билан салқин ичимликлар тайёрлаш қувватига эга янги лойиҳа амалга оширилди.

Ҳозир корхонада хориждан келтирилган илғор технологиялар ёрдамида соатига 5 минг литргача яхна ичимлик ишлаб чиқарилиб, бежирим идишларга қадоқланмоқда. Муҳими, лойиҳа боис 20 га яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Айтиш керакки, жорий йил бошидан буён туманда худди шу йўналишда 3 та корхона ишга туширилди.

● Қўштепа туманидаги “Қумтепа агро файз” корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар ўрнатилди. Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ташқи бозорга ҳам чиқарилмоқда. Хусусан, корхона жамоаси шу йилнинг ўтган даврида 164 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётларини бажарди.

● Хоразм вилоятидаги наслчиликка ихтисослаштирилган 25 та фермер хўжалигига Украинадан 827 бош наслдор қорамол келтирилиб, парваришлаш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТЕЖАМКОР ЧИРОҚЛАР ЁҒДУСИ

Иқтисодчиларнинг уқтиришларича, кўп пул топиш эмас, балки уни қандай сарфлашни билиш муҳимроқ. Ана шунда оз миқдордаги маблағнинг ҳам самараси катта бўлади. Шу маънода, уй-рўзғор харажатларини ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз? Агар қизиқмаган бўлсангиз, мутахассисларнинг бу борадаги кузатишларига эътибор қилинг. Таҳлилларга кўра, оила бюджетининг салмоқли қисми аксариятимиз унчалик аҳамият бермайдиган коммунал тўловларга сарфланар экан.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Дарҳақиқат, кундалик турмушимизни табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик ва электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, кейинги пайтларда электр энергиясига эҳтиёж шунчалик ортиб бораяптики, унинг ёрдамисиз бирор юмушни кўнгилдагидек бажаришнинг сира имкони йўқ. Дейлик, уйда бир соатгина чироқ бўлмаса кўнглимиз ҳам ёришмайди. Шу боис электр энергиясини тежайдиган технологияларни изчил жорий этишни даврнинг ўзи тақозо қилаяпти. Натижада кам қувват билан ишлайдиган маиший техникалар авлоди яратилди, электр энергиясини тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг афзаллигини англаган кўплаб давлатларда эндиликда чўғланма лампалар ялпи равишда замонавийсига алмаштирилаяпти. Мамлакатимизда эса бу борадаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, энг асосийси, бундай чироқлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани алоҳида эътиборга молиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ хўжалигининг ёрқин уфқлари

Бир рақам шарҳи

Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши

6,8 фоизни ташкил қилди.

Хориж матбуотида бот-бот таъкидланаётганидек, бу йил дунёнинг кўпгина мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги пасайиб, ҳатто энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлашда муаммо пайдо бўлмоқда. Бу ҳол иқлим ўзгариши оқибатида юз бераётган қурғоқчилик, турли табиий офатлар оқибати сифатида изоҳланмоқда. Эътиборлиси, юртимизда табиат инжиқликларига қарамай, жорий мавсумда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинди. Республикамиз деҳқон ва фермерлари томонидан 6 миллион 800 минг тонна сара дон, 3 миллион 500 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етиштирилгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида фермерлик ҳаракати ривожлантирилгани туфайли тармоқ самарадорлиги муттасил ошиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисини йил давомида муҳим ҳаётий маҳсулотлар билан кафолатли ва барқарор нархларда таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир. 2011 йилнинг тўққиз ойида 4871,5 минг тонна сабзавот, 1370,4 минг тонна картошка, 933,4 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1256,5 минг тонна мева, 723,2 минг тонна узум етиштирилгани, уларнинг бир қисми қиш-баҳор мавсумига ғамлаб қўйилгани шундан далолат беради.

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги тармоқларини янгилаш мақсадида соҳага илм-фаннинг илғор ютуқлари, инновацион технологиялар изчил татбиқ этилаётгани, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги боғлар барпо этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани самарасидир.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ

Кеча Осиёнинг бир қатор мамлакатларида футбол бўйича 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари учинчи босқичидаги тўртинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди.

“С” гуруҳида баҳс олиб бораётган Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентдаги “Пахтакор” марказий стадионида Корея Халқ Демократик Республикаси терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Кескин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечган мазкур ўйинни ҳамюртларимиз ўта фаол бошлашганига қарамай, биринчи бўлимда рақиб дарвозасини ишғол қилишнинг уддасидан чиқишолмади. Танаффусда терма жамоамиз бош мураббийидан тегишли тавсияларни олган футболчиларимиз ҳужумкорликни янада оширишди. Бунинг натижасида ўйиннинг 49-дақиқасида Александр Гейнрихнинг бурчакдан ошириб берган тўпини Темур Кападзе голга айлантириб, якунда маълум бўлишича, жамоамиз ғалабасини таъминлади.

Хушхабар

Таъкидлаш жоизки, ушбу муваффақият вакилларимизни икки тур олдин кейинги босқичга олиб чиқди.

Гуруҳдаги яна бир учрашув Душанбе шаҳрида Тожикистон ва Япония терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Кунчиқар юрт вакиллари 0:4 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Шу тариқа гуруҳда 10 тадан очко жамғарган Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари кейинги босқичга тайёргарликни бошлайдиган бўлишди.

Мазкур гуруҳдаги навбатдаги тур учрашувлари 15 ноябрь куни ўтказилади. Унда Ўзбекистон — Тожикистон, КХДР — Япония терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Концепциянинг ижроси сифатида қабул қилинган мазкур қонун ҳужжатларининг мақсади, зарурияти ва аҳамияти шундаки, уларда мустаҳкамланган нормалар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат раҳбари — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партиялар, парламентнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, агар йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1991 — 2000 йиллар) ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи кучайишини ҳаётни ўзи зарурат қилиб қўйган бўлса, янгиланишларнинг иккинчи босқичи (2001 ва ундан кейинги йиллар) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғини, умуман, вакиллик органлари ва улар билан мантиқий ҳамоҳанг бўлган кўп партиявийлик тизимини, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этди. Бу Ўзбекистонда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган ҳаётий тамойил янги давлат қуришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўтган йиллар давомида парламентнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий ролини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Икки палатали парламентнинг ташкил қилиниши, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳиятида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Бунда айнан парламент фаолиятида ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришишига, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги соғлом рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши мантиғига таяна-ди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бунда жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халқит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва амалий рухда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни уддалай олмаётган давлат органлари, хўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашларнинг қабул қилинган қонунлар ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини кучайтириши бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг, давлат тузилмалари раҳбарларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятида мунтазамлик касб этмоқда.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламент эшитуви каби демократик шаклларини амалга ошириш механизмлари янада фаолроқ ишлай бошлади. Парламент сўрови — парламент ёки унинг аъзолари (депутат, сенатор) томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатлари доирасига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан йўлланган мурожаатдир. Парламент эшитуви эса парламент, унинг палаталари, таркибий органлари мажлисларида парламент ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича ижро этувчи ҳокимият вакиллари ва бошқа субъектлар фикрларини эшитишга қаратилган парламент фаолиятининг алоҳида шаклидир.

Парламент эшитувлари парламент учун зарур ахборотни олиш йўлида ҳам асосий восита ҳисобланади. Эшитувлар натижасида олинган ахборотлар парламент томонидан қабул қилинадиган у ёки бу қарорни асослашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Эшитувлар, шунингдек, парламент аъзоларига у ёки бу қонунни қабул қилиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруриятини белгилашда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Концепция асосида Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Олий Мажлиснинг ижро этувчи ҳокимият устидан таъсирчан парламент назоратини кучайтиришга оид нормалар Конституциямизда мустаҳкамланди. Шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатига ҳам эга бўлди. Бу ҳам ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтирмоқда, депутатлар, сенаторлар, партия фракцияларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз сайловчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил 15 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Бош вазирнинг ҳисоботини эшитди. Бу Концепция ва унинг асосида қабул қилинган қонун қоидаларини амалга оширишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қонун марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг кўламли демократик социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишида парламент ролини оширишнинг муҳим омилига айланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг самарали ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, олтин-валюта захиралари ва ташқи қарзларни бошқариш ҳамда тасарруф этиш мониторинги ва давлат назоратини амалга оширишдек муҳим вазифалар юклатилган. Шу маънода Концепцияга мувофиқ, Конституциянинг 80-модда 6-банди ҳамда 93-модда 12-бандига киритилган ўзгартишлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига киритилиши Сенат ваколатларини янада кенгайтириш, Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Концепциядаги қоидалар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан Бош вазир номзодини таклиф этишнинг янада демократик конституциявий тартиби жорий этилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Бу социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини янада кучайтирмоқда.

Конституциямизда белгиланган мазкур нормалар мамлакатдаги барча янгиланишлар ва ўзгаришлар учун сиёсий партиялар масъулияти ва жавобгарлигини ҳам оширмоқда. Чунки сиёсий партиялар Президент номзодини кўрсатишда ҳам, қонун чиқарувчи ва жойларда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳам, Бош вазир номзодини таклиф этишда ҳам асосан ягона субъект бўлиб қолмоқда. Мазкур имкониятлар эса бундай юксак шараф ва электорат ишончига муносиб бўлишни тақозо этади.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар томонидан Концепцияда илгари сурилган ҳамда қабул қилинган қонунларда ўз аксини топган мазкур имкониятларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган Ҳаракат дастурлари изчил амалга оширилмоқда.

Концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизни демократик ривожлантиришдаги, фуқаролик жамияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, ҳам тарихий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда бу сиёсий тизимни модернизациялаш ва либераллаштиришга, мамлакатда кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланишига, аксарият сайловчилар сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаган сиёсий куч таклиф этган номзод ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилишига, бошқарувнинг янада демократлашувига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий кучларни мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга сафарбар этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Бу тарихий ҳужжат ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишидаги яна бир дадил қадамдир. Халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг катта кучи бўлган ёшларнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳам ана шундан далолатдир.

Мирафзал МИРОҚИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи.
(ЎзА).

КОНЦЕПЦИЯ ҒОЯЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

К. Адашбоева. — Зеро, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, Юртбошимиз айтганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу демократик жамият асосларини барпо қилишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасида ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг заруриятя ва аҳамияти” мавзуида илмий тадқиқот қилаяпман ва бугунги анжуманда шу мавзудаги маърузам билан қатнашдим.

Шунингдек, илмий-амалий анжуманда Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси ҳамда олдиндаги долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди. Хусусан, мазкур дастурий ҳужжатни илмий жиҳатдан тадқиқ этишни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИННОВАЦИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мустақиллик йилларида илм-фан тараққиётига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, илмий тадқиқот институтлари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш олимларнинг инновация фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда давлат илмий-техника дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш борасида икки юздан зиёд илмий тадқиқот муассасаси, олий ўқув юртлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари, лойиҳа институтлари иш олиб бормоқда. Шунингдек, “Ёш олимлар кенгаши” интеллектуал салоҳиятли, истеъдодли йигит-қизларни бирлаштириш, мамлакатимиз ва ривожланган хорижий мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, фан ва технология янгиликлари билан мунтазам таништириб бориш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Илмий-амалий конференцияда ёш олимларнинг миллий инновация тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётимиз ривожланишида инновацион стратегияни шакллантириш ва бошқа бир қатор мавзулардаги маърузалари тингланди.

М. ХОЛМАТОВА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Китоб истиқлолга эришиш даврининг чуқур ўрганилмаган томонларини тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради, ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати ва ноёб тарихий манбаси сифатида бугунги ва келгуси авлодлар камолотига хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Анжуманда Навоий вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, зарарли ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасида олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкорлар иштирокида самарали тарғибот тизими йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ. Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, Навоий давлат педагогика институти ректори Х. Иброҳимов ва бошқаларнинг ушбу масалаларга бағишланган маърузалари тингланди.

— Биз, талабалар Юртбошимизнинг тарихий фактларга асосланган ушбу китобини ўқиб, халқимиз мустақилликка осонликча эришмаганини, истиқлолни асраш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини янада теранроқ англаб етдик, — дейди Навоий давлат педагогика институти талабаси Озод Мустафоев. — Китобда келтирилган тарихий факт ва маълумотлар истиқлолга эришиш арафасида юртимизда юзага келган вазият тўғрисидаги тушунчаларимизни бойитди. Китоб ёш авлод маънавий камолотига хизмат қилади.

Анжуманда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

ТЕЖАМКОР ЧИРОҚЛАР ЁҒДУСИ

Афзаллиги нимада?

Давраларда электр энергиясини тежаш ҳақида сўз кетганда, беихтиёр “Чироғингизни алмаштирмадингизми?” деган мурожаатларга кўп бор гувоҳ бўлаяпмиз. Чунки янги лампаларнинг тежамкорлигини кўпчилик аллақачон англаб етган.

Хўш, унинг афзалликлари нималардан иборат?

Соҳа мутахассисларининг тушунтиришларича, “Akfa Lighting” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган ихчам спиралсимон люминесцент лампаларининг электр энергияси сарфи чўғланма лампаларникига қараганда 5 марта кам! У хонадонингизни узоқ муддат, аниқроғи, тўхтовсиз 8000 соат давомида чароғон этиб туриши билан ҳам устунликка эга. Бошқача айтганда, бу — кунига ўртача 6 соат чироғингиз ёниқ турса, ҳар бир лампа 1333 кун ёки 3,5 йилдан ортиқ муддат мобайнида уйингизни ёритади, деганидир.

7 миллион – бу реал натижа!

Бугунги кунда корхона жамоаси томонидан ойига 200 мингта 8 турдаги лампа ишлаб чиқарилаяпти. Табиий савол туғилади: бу кўрсаткич билан ички эҳтиёжни таъминлай оламизми?

Жасур Қосимовнинг айтишича, масалага бу жиҳатдан ёндашилса, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Чунки бундай маҳсулотга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ниҳоятда юқори. Шунинг учун ишлаб тилган тураржойда 1960 кВт/с. электр энергияси ёки 163 минг 856 сўм иқтисод қилинган. Шундай экан, сиз ҳам чироғингизни алмаштиришни бугундан кечиктирманг. Бу билан, энг аввало, маблағингизни иқтисод қилган, қолаверса, не-не машаққатлар ва катта сарф-харажатлар эвазига ҳосил қилинаётган электр энергиясини тежашга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий Осиёда ягона

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, бу жараёнда инновация лойиҳаларини кенг қўллаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Изчил амалга оширилаётган ислоҳотлардан ҳам озиқ-овқат ва нозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар эвазига таъминлашдек эзгу мақсад кўзланган.

Кейинги йилларда замонавий корхоналар сони тобора кўпайиб, уларда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ана шундай эътибор ва имкониятлар самарасидир. Табиийки, бунда Маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси беқиёс аҳамият касб этаётир.

Тошкент шаҳридаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Neo Sun Light” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси мазкур дастур доирасида ташкил этилган ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси тизимидаги ушбу корхонада Марказий Осиёда биринчи бўлиб электр энергиясини тежайдиган лампалар тайёрлашга киришилди.

— Жорий этилган лойиҳанинг биринчи босқичида, яъни ўтган йилнинг августида 11, 15, 20 ва 25 Ваттли лампалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Жасур Қосимов. — Ва юртимиз аҳолисига йил охирига қадар 500 мингдан ортиқ шундай лампалар етказиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги “Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Чунки ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар кўрилгани туфайли шу йилнинг сентябрь ойида корхонамизнинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилди. Натижада маҳсулот тури ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ортди.

Айни пайтда корхонада 250 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, иш шароитидан мамнунлигини айтишади.

Чиндан ҳам, хорижнинг энг сўнгги русумдаги технологик линиялари билан жиҳозланган мазкур корхонада ишлаб чиқаришнинг санитария, экология ва бошқа мезонларига тўлиқ жавоб берадиган, хавфсиз ва атмосферага заҳарли моддалар чиқармайдиган технологиялар асосида иш юритилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, одамлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказмайдиган хом ашёлардан фойдаланилаяпти.

Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ёрқин ёғдуси, ўзидан кам иссиқлик чиқариши ва хавфсизлиги билан ажралиб туради.

«Янги ёғду»дан диллар мунаввар

“Akfa Lighting” лампаларининг афзалликларини Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талабалар тураржойларида амалга оширилган “Янги ёғду” лойиҳаси яна бир карра исботлади. Корхона ва университет ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, 2011 йилнинг май ойида электр энергияси сарфи деярли бир хил бўлган иккита талабалар тураржойи танлаб олинди. Уларнинг бирига тежамкор, иккинчисига эса одатдаги чўғланма лампалар ўрнатилди. Натижами?

Умумий кўрсаткичлар орасидаги фарқ анча катта бўлиб чиқди. Аниқроғи, люминесцент лампалари ўрнатилган тураржойда 1960 кВт/с. электр энергияси ёки 163 минг 856 сўм иқтисод қилинган. Шундай экан, сиз ҳам чироғингизни алмаштиришни бугундан кечиктирманг. Бу билан, энг аввало, маблағингизни иқтисод қилган, қолаверса, не-не машаққатлар ва катта сарф-харажатлар эвазига ҳосил қилинаётган электр энергиясини тежашга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, “Neo Sun Light” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида электр энергиясини тежайдиган лампаларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ишлари ҳам жадал олиб борилаяпти. Бу борадаги кўрсаткични йил охирига қадар 32 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Шундай саъй-ҳаракатлар пировард натижада ишлаб чиқарилаётган лампаларнинг сифати янада юқори, нархи арзон бўлишига хизмат қилади. Бу маҳсулотлар эса ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлиши, шубҳасиз.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Журналистика соҳасида

«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ»

республика танлови

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган **“Ватан азиз, жасорат мангу”** республика танловини эълон қилади.

Танлов “Ватан ҳимояси — муқаддас бурч” деган туйғуни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.

“Ватан азиз, жасорат мангу” танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

1-ўрин ғолиблари — ноутбук;
2-ўрин ғолиблари — компьютер тўплами;
3-ўрин ғолиблари — замонавий рақамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар **Ватан ҳимоячилари куни** байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар “Ватан азиз, жасорат мангу” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87
www.journalist.uz

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 838,8 ▼ -11,8 | УН биринчи нав 625,5 ▼ -24,5 | УН иккинчи нав 583,4 ▼ -0,06 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +18,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,8 ▲ +0,2

ЖАҲОН 24 соат ичида

Зарур чоралар кўрилиши лозим

Европада жорий ва келгуси икки йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмида кескин пасайиш кузатилади.

Бу ҳақда Еврокомиссиянинг қитъа иқтисодий ривожланиш истиқболларига бағишланган маърузасида маълум қилинди. Тахминларга кўра, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 1,5, 2012 — 2013 йилларда эса 1,3 фоизга тушади. Мутахассисларнинг фикрича, бу рақамлар Евроҳудудни огоҳлантирувчи бонгдир. Агар аъзо давлатлар иқтисодиёт ва пул-кредит соҳасида зарур чора-тадбирларни қўлламаса, навбатдаги тангликни бошдан кечиришлари эҳтимолдан холи эмас.

Зарар сир сақланганди

Японияннинг рақамли фотоаппаратлар ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур "Олимпус" корпорациясида юзага келган машмашалар туфайли унинг акциялари баҳоси 29 фоиздан 20,4 фоизгача тушди.

Гап шундаки, ҳафта бошида Токиода ташкил этилган матбуот анжуманида компания президенти Сюити Такаяма "Олимпус"нинг аввалги раҳбарлари қимматли қоғозлар билан боғлиқ турли операцияларни амалга ошириб, муваффақиятсизликка учрашганини ва бунинг оқибатида кўрилган зиённи акциядорлардан мунтазам яшириб келишганини маълум қилганди.

Ҳозир ушбу иш юзасидан суриштирув олиб борилмоқда. Агарда "Олимпус"нинг собиқ президенти ва икки етакчи менежери амалга оширган жиноят ўз тасдиғини топса, улар 10 йилгача қамоқ жазоси ва йирик миқдордаги жаримага тортилишлари мумкин.

Сариқ бриллиант сотувга қўйилади

Ўтган йили Жанубий Африка Республикаси ҳудудидан топилган сариқ бриллиант келгуси ҳафтада Женевада ўтказиладиган "Sotheby`s" аукционига қўйилади.

Оғирлиги 110,03 каратга тенг мазкур тошнинг қиймати 11 — 15 миллион АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. "AFP" ахборот агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, у ҳозиргача маълум бўлган шу турдаги олмослар орасида энг йириги-дир.

Охирги марта 32,77 карат оғирликдаги сариқ бриллиант "Christie`s" кимошди савдо уйида 6,6 миллион АҚШ долларига сотилган эди.

Тақдимот кечикади

Европа аэрокосмик ва мудофаа концерни "А350" русумидаги янги самолёт тақдимоти муддатидан олти ойга кечикишини хабар қилди.

Шундай қилиб, 2013 йил охирида омма эътиборига ҳавола этилиши кутилган ҳаво лайнери 2014 йилнинг биринчи ярмига бориб, тайёр ҳолга келади. Концерн ҳозирча бунинг сабабини ошкор этгани йўқ.

Мутасаддиларнинг айтишича, ушбу кечикиш яна қўшимча 200 миллион евро сарфланишига олиб келади.

Ёқимсиз рангдаги қутилар

Австралия сенати томонидан барча савдо белгилари остидаги тамаки қутилари дизайнини бир хиллаштириш тўғрисидаги қонун маъқулланди.

Келгуси йилдан кучга кирадиган, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда улар яшил зайтун тусида бўлиши белгилаб қўйилган. Чунки ўтказилган тадқиқотлар натижасида айнан шу ранг одамларда ёқимсиз таассурот қолдириши аниқланган. Қолаверса, сигарета қутиларидан бренд белгилари олиб ташланиб, ишлаб чиқарувчининг номи оддий шрифтларда қайд этилади ва, албатта, уларда чекишнинг салбий таъсири ҳақидаги тасвир ҳам ўз аксини топади.

Марснинг навбатдаги «меҳмон»и

Шу ойнинг охирида НАСА Марсга навбатдаги қурилма учирилишини маълум қилди.

Флорида штатидаги космодромдан махсус ракета ёрдамида самога олиб чиқиладиган аппарат 2012 йилнинг августида "қизил сайёра"га етиб бориши мўлжалланмоқда. Олти ғилдиракли, узунлиги 2,8 метр ва оғирлиги 900 килограмм бўлган, ҳозиргача учирилган қурилмалар орасида энг йириги ҳисобланувчи мазкур техника воситаси у ерда тахминан икки йил "саёҳат" қилиб, 20 километр масофани босиб ўтади. Дарвоқе, Ердаги бир йил Марсдаги ярим йилга тенгдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● Реклама ва эълонлар ●

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераяпти. Айниқса, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кўплаб лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси таркибидаги "Тошкентвино комбинати" очиқ акциядорлик жамиятида қўлга киритилаётган ютуқлар буни яққол тасдиқлаб турибди. Гап шундаки, 2007 — 2010 йиллар мобайнида пойтахтнинг Бектемир туманида иккита ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани, Янгийўл шаҳридаги Италиядан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган янги замонавий бўлинмада маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилгани, Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги "Бахмалшароб" корхонаси таъмирланиб, илғор технологиялар асосида қайта жиҳозланганидан кейин мазкур жамиятнинг қувватлари бир неча баробар ортди. Хусусан, узумни қайта ишлаб, ундан маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган "Бахмалшароб" жамоаси томонидан ўнлаб фермерлар ва соҳибкорлар билан шартномалар тузилгач, бу ерда нафақат хом ашё таъминоти яхшиланди, балки турли чанқовбости ичимликлар ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тонготар, Турон, Гулбулоқ каби қишлоқларнинг олтмишга яқин ёшлари эса муқим иш жойига эга бўлдилар. Келгусида корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна ўнлаб иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришга доир Фармони асосида, — дейди жамият бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Икромбой Ниёзметов, — биргина Бахмал туманида 3 минг 277 гектар боғ, 500 гектардан ортиқ узумзор барпо этилди, мавжудлари янгиланди. Бу, ўз навбатида, мева ва сабзавотни қайта ишловчи корхоналар сонини бештага етказиш имконини яратди.

Эътиборли жиҳати, бахмаллик соҳибкорлар боғ ва токзорлар неъматлари етиштириш ҳажмини йил сайин кўпайтиришга эришмоқдалар. Ўтган йили туманда 11 минг тонна мева тайёрлангани, жорий йилда янги боғлар ҳосилга кириши ҳисобига мазкур кўрсаткич янада ошиши кутилаётгани ана шундан далолат беради.

Модернизация

Айни кунларда очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ишлаб чиқариш корхоналарида 1000 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Иш ўринларининг 200 дан зиёди сўнгги йилларда ташкил этилгани, ишчилар томонидан кунига 120 турдан ортиқ маҳсулотлар тайёрланаётгани, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 130 фоизга, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 136 фоизга ўсгани, айниқса, қувонарлидир.

Албатта, бундай ютуқларга эришишда маҳсулот таннархининг камайтирилиши ва сифатининг оширилиши, бу борада эса Англия, Россия, Украина, Молдова каби мамлакатлардаги турдош комбинатлар билан тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим омил бўлаётир.

Натижада корхонанинг бир неча маҳсулоти намуналари Лейпциг, Будапешт, Загреб, Вена, Милан, Познань, Салоники, Жакарта, Ялта, Санкт-Петербург, Москва шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда намойиш қилинди, жумладан, "Ялта. Золотой Грифон — 2009" танловида олтин ва бронза медаллар билан тақдирланди.

Чиндан ҳам, очиқ акциядорлик жамияти бугунги кунда "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясининг фахри ҳисобланади. Бу ерда профессионал ходимлар, юқори малакали мутахассислар ишлаётгани туфайли кўп тармоқли чиқитсиз узум маҳсулотлари тайёрлаш бўйича муҳандислик-техник базаси бутунлай қайтадан яратилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган. Бу эса маҳсулот сифатини янада оширишда қўл келмоқда.

Корхонада, шунингдек, ишчи ва ходимларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига эътибор кучайтирилгани ҳам диққатга сазовор. Чунончи, улар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида махсус транспорт хизмати йўлга қўйилган бўлса, тиббий даволанишлари учун соф даромаддан мунтазам равишда маблағлар ажратилмоқда. Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида меҳнат аҳлининг саломатлигини тиклаш учун сиҳатгоҳлар, уларнинг фарзандлари учун эса ёзги дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, корхонада узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилган фахрийларни йўқлаш, ёшларнинг тўйларини моддий қўллаб-қувватлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айни чоғда спортни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшилмоқда, турли хайрия жамғармалари, меҳр-мурувват уйларига беғараз ёрдам кўрсатиб келинаётир.

Қисқача айтганда, жамият жамоаси ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш ва суръатини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Мақсад битта: эришилган ютуқларни мустаҳкамлаган ҳолда, комбинат экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Дилшод ҲАМИДОВ,
журналист.

КЎЗ НУРИ — ҚАЛБ СУРУРИ

Ишдан қайтаётиб, автобусда икки отахоннинг суҳбати беихтиёр қулоғимга чалинди:
— Қариганда кўзим хиралашиб кўролмай қолдим, қорачиғини парда тўсган экан, — дейди ёши саксонларни қоралаб қолган отахон шеригига. — Бир ой бўлди кўзимни Фарҳод бозори яқинидаги "Визоптикс" кўз клиникасида операция қилишди. Ҳозир аҳволим анча яхши. Кўчагаям зўрға чиқардим, энди қаранг, бемалол пойтахтимизни айланиб юрибман. Клиниканинг шифокорларига раҳмат, барака топишсин, барчаси тажрибали, ширинсўз экан...

Нуроний отахоннинг гапидан сўнг, менда мазкур клиникани бориб кўриш истаги туғилди. Дарҳақиқат, кенг ва ёруғ, замон талаблари даражасида махсус тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган "Визоптикс" клиникасида беморларга хизмат кўрсатиш сифати яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Унинг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Равшан Мирхолиқов биз борган маҳал операциясидан эндигина чиққан экан.

— Қарилик катарактаси кўз гавҳарининг табиий хираланишидир, — дейди у отахоннинг миннатдор бўлиб айтган гапларини эслатганимизда. — Кўз гавҳари қорачиқ ортида жойлашган биологик линза. У биз кўраётган тасвирни тўр пардага узатади. Тўрпарда эса, ўз навбатида, уни бош мияга узатиши туфайли биз ёнатрофни кўриб турамиз. Одатда, 45-55 ёшдан ошганда кўз гавҳарида хираланиш бошланиши сабабли ёруғликда кўриш қийинлаша бошлайди. Қоронғида эса кўриш ёруғликдагидан кўра яхшидек туюлади. Бу эса катарактанинг бошланиш аломати. Бир-икки йил ўтгач, кўриш қобилияти пасайиб бораверади. Илгари бундай беморларга "парда пишсин", дея операцияни орқага суришарди. Техника тараққиёти, замонавий тиббиётнинг ютуқлари туфайли ҳозир кўзга тушган парда қанча тез олиб ташланса, натижа шунча юқори бўлиши мутахассислар томонидан аниқланди.

Айни пайтда клиникада кўз катарактаси замонавий усул билан муваффақиятли операция қилинмоқда. Бу усулларнинг афзаллиги шундаки, амалиёт наркозсиз, оғриксиз 15-20 дақиқа давом этиб, эластик сунъий гавҳарлардан фойдаланилади ва кўзда катта кесим ҳамда чоклар қолмайди.

Клиниканинг диагностика бўлимида катаракта, глаукома, ғилайлик, шоҳ парда, қобоқ ва кўз туби касалликлари юқори аниқликдаги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида текширилиб, ташхис қўйилади. Консерватив йўл билан даволанувчиларга кундузги стационар шароитида физиотерапевтик ва электрофизиологик даволаш усуллари қўлланилади. Болалар учун эса кўриш фаолиятини оширувчи махсус компьютер машғулотлари ўтказилади.

Албатта, ҳар бир касбни чуқур ва мукаммал эгаллаш учун, аввало, шу касбга меҳр-муҳаббат қўйиш лозим. Шу маънода, узоқ йиллар кўз шифокори сифатида фаолият кўрсатган Сония Мираҳмедова тиббиётчиларга хос фидойиликни, изланувчанликни ва меҳрни ўғли Равшанбек Мирхолиқовга ҳам ўргатган бўлса, не ажаб. Ёшликдан шифокорлик касбига меҳр қўйган Равшанбек институтни тугатгач ҳозирги республика кўз микрохирургияси марказида иш бошлади. Бу ерда у тажрибали мутахассислар — Зафар Сидиқов, Офия Мираюбова, Мавзура Бекова йўл-йўриғи билан кўз касалликларини даволаш ва ташхислашни ҳамда жарроҳлик амалиётларини бажаришни қунт билан ўрганди. 2002 йилдан эса "Шифонур" кўз касалликлари клиникасида Россия ва Германиядан ташриф буюрган мутахассислардан олти ой давомида жаҳон талаблари даражасидаги жарроҳлик амалиётларини мукаммал ўзлаштирди. Шифо истаб келган юзлаб беморларнинг кўзига нур, дилига қувонч бағишлаб, уларнинг олқишини олди.

Бугунги кунда у раҳбарлик қилаётган "Визоптикс" кўз клиникасида энг замонавий даволаш ва жарроҳлик усуллари замонавий талабларга тўла жавоб беради. Клиникада фаолият кўрсатаётган шифокорлардан Дилноза Эргашева, Умид Абдуллаев, ҳамширалардан эса Маъмура Шомирзаева, Севара Арслонова хизматидан, ширин сўзидан беморлар мамнун.

— Режаларимиз кўп, — дейди Р. Мирхолиқов. — Кўз жарроҳлиги ва даволаш жараёнига янгиликлар киритиш, клиникада лазер амалиётлари ва янада мукаммал даволаш усулларини йўлга қўйиш эзгу мақсадларимиздан.

Беморларга кўриш бахтини ҳадя этаётган бундай эзгу ниятли, ўз касбининг фидойилари бўлмиш шифокорларимиз бахтимизга ҳамиша омон бўлишсин...

Марям АҲМЕДОВА.

Изланиш

Бойсун туманидаги "Файз Рамз" фермер хўжалигида бир йўла учта лойиҳа амалга оширилди. Натижада молия муассасалари томонидан ажратилган 420 миллион сўмлик кредит эвазига ғишт заводи, профиль эшик ва ромлар тайёрлашга ҳамда гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган технологик линиялар ишга туширилди.

Қишлоқ мулкдори ташаббуси

Мазкур хайрли ташаббус 105 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

— Бугун қишлоқ мулкдори фақат аграр соҳа билан чекланиб қолмаслиги керак, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Маматов.— Яъни ер эгаси ўз фаолиятини кенгайтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ва бу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшса, нур устига нур. Ҳозир янги заводимизда кунига 20 минг донагача пишиқ ғишт тайёрланиб, ҳудуддаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилаяпти. Шунингдек, хунармандларимиз ясаган эшик ва ромлар ҳам мижозларга манзур.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллийбанк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%)	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида)	
					сўм	АҚШ доллари
1.	«ANDIJON CHARM» МЧЖдаги улуш	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Оқтепа» МФЙ	100%	10%	5 910 068 000	3 448 516,75
2.	«ASL MEVA» МЧЖдаги улуш	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сарапаён қўрғони, Муллаёп к., 64-уй	100%	10%	1 415 784 000	827 435,79
3.	«FRESCO» МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Орзу қўрғони	100%	10%	4 140 838 000	2 384 217,83
4.	«TASHKENT PALACE NEW» МЧЖдаги улуш	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон к., 56-уй	100%	2%	41 208 000 000	25 220 637,74
5.	«LINPLAST» МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат зонаси	100%	3%	10 758 594 000	6 277 625,16
6.	«HORAZM GILAMLARI» МЧЖдаги улуш	Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй	100%	2%	38 996 735 541,38	22 754 542,85

Аукцион савдоси 2011 йил 14 декабрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги улушлар 2011 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 16, 19 ва 21 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, лекин муддати 1 йилдан оширилмаган ҳолда, сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

WWW.RKMB.UZ

1529R/280

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ОАТБ «Микрокредитбанк» Тошкент вилояти филиали бошқарувининг 2011 йил 18 августдаги 70-2-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти амалиёт бўлими тасарруфидаги «Ангрен» минибанкига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уйда жойлашган маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 150 470 000 сўм.

Қизиқиш билдирган талабгорлар кўчмас мулк ҳақидаги маълумотлар билан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда 2011 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.

Лицензия: № RR-0001.

1525R/773

НАҚШ САНЪАТИНИНГ ВОРИСЛАРИ

Муҳаммадали Ҳамроев, бир неча йилдирки, наққошлик билан шуғулланади. Кандакорлик сир-асрорларидан ҳам хабардор. Бўш вақт топди дегунча, қадимий китобларни қўлига олади. Улардаги бетакрор нақшларни синчиклаб кузатади. Битиклар мағзини чақади. Нақшинкор гуллар замиридан маъно-мазмун қидиради. Қўлига мўйқалам олиб, улардан нусха кўчиради. Чизганларига ижодий ёндашади — нималарнидир қўшади.

Баъзан Муҳаммадалини Бухоронинг қадимий кўчаларида учратасиз. Кўҳна шаҳар обидаларидаги нақшлар, мангуликка муҳрланган тасвирлар унга бутун бошли тошдан битилган достонни эслатади. Шундай паллаларда беихтиёр қадимий Сайфиддин карвонсаройида жойлашган устахонаси сари ошиқади. Қадрдон қаламини қўлига олган кўйи ишга киришади. Кейин навбат наққошликка келади...

Муҳаммадалининг устахонаси мўъжаз музейни эслатади. Унда юздан зиёд турдаги наққошлик буюмлари бор. Совғабоп бу буюмлар кишини лол қолдирди. Уларда бетакрор табиатимиз, урф-одатларимиз, қадимий шаҳар манзараларининг жонли ифодасини кўрасиз.

— Муҳаммадалининг асарларида қадимий Бухоро нафаси уфуриб туради, — дейди вилоят ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раҳбари Матлуба Бозорова. — Улар ўзига хослиги, бадиий наққошликнинг Бухоро услуби анъаналарини ўзида жамулжам этгани билан эътиборни тортади.

Дарҳақиқат, бадиий наққошлик кишидан катта меҳнат, сабр-тоқат ва мушоҳада талаб қилади. Хусусан, у ижод қилаётган Бухоро услуби анча мураккаб саналади. Гуллар тасвири, нақшларни ёғочга едирма қилиб туширишсермашаққат юмуш. Аммо асар ўзинг кутгандек бежирим, мукаммал кўриниш олганида, уни сайёҳлар ҳайрат билан томоша қилишганини кўрганингда чарчоқни унутасан, киши. Бу — Муҳаммадалининг эътирофи.

— Мамлакатимизда халқ амалий санъати усталарининг эминэркин ишлашлари, ўз салоҳиятларини юзага чиқаришлари, асарларини халқаро кўргазмаларда намойиш этишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди қаҳрамонимиз. — Айниқса, Президентимизнинг “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси бўлди. Бундан жуда мамнунмиз. Ўзимга келсак, шу ҳунар ортидан дунё кездим. АҚШ, Россия, Қозоғистон каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмалар қатнашчисиман. 2004 йилда ЮНЕСКОнинг Сифат белгиси сертификати билан тақдирландим. Наққошлик сир-асрорларини ўрганиб, кам бўлганим йўқ. Шу ҳунар ортидан рўзғоримиз бут. Ўғлим Мироншоҳ ҳам ёнимга кираяпти.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.

Дарҳақиқат, сулоланинг муносиб давомчиси бор. Дарвоқе, марказда у ёки бу ҳунар сирларини ўрганаётган кўплаб ёшларга дуч келдик. Бухоро банк коллежи ўқувчиси Фарҳод Қодиров ана шуларнинг бири. У келажакда банк соҳасининг етук мутахассиси бўлиш ниятида. Лекин бу орзу бўлажак мутахассиснинг ҳунар эгаллашига халақит бераётгани йўқ. Дарсдан сўнг Фарҳод тажрибали уста Ҳусан Қосимовдан ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини ўрганаяпти.

— Ёғоч ўймакорлиги — суюмли машғулотим, — дейди у.— Асосан лавҳ ясаш билан машғулмиз. Мана бу жажжи стулни эслатувчи лавҳга қаранг-а. Уни тайёрлаш учун роппа-роса бир ой вақт сарфладим.

Лавҳни кўздан кечирамиз. Ёғочи сип-силлиқ, ўзи ихчам, нақшлари жозибадор. Мухтасар айтганда, кичик бир санъат асари. Ёш ҳунарманд қўлидан чиққан бундай нафис, чиройли лавҳларнинг ўнлаб нусхалари чет элликларнинг шахсий коллекцияларида сақланаяпти. Бир ўсмир устанинг маҳорати эътирофи эмасми бу?!

— Марказимиз 1996 йилдан буён фаолият олиб бормоқда, — дейди М. Бозорова. — Халқ амалий санъатининг 15 тури бўйича минг нафардан зиёд ҳунарманд тайёрлашга муваффақ бўлдик. Энг моҳир усталаримиз халқаро кўргазмаларда қатнашиб, халқ амалий санъати орқали юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшишаяпти. Шу йилнинг ёзида АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида ташкил этилган “Фолк арт-маркет” фестивалида бир гуруҳ ҳунармандларимиз фаол қатнашдилар. Яқинда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ҳунармандлар кўргазмасида ҳам юртимиз усталарининг ранг-баранг маҳсулотларига қизиқиш бениҳоя катта бўлди. Муҳими шундаки, ҳозир ҳар бир устанинг ёнида икки-уч нафардан шогирдни кўрасиз. Бу эса уларнинг муносиб давомчилари борлигидан, халқ амалий санъати авлодлар ардоғида эканидан далолат беради.

Мерос

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Бугунги кунда жойларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига тезкор тиббий хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг узоғини яқин қилиш имконини бермоқда. Қолаверса, соғлом турмуш тарғиботини самарали йўлга қўйиш, турли хасталикларнинг олдини олишда ушбу шифо масканларида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг ҳиссаси катта.

ЗАМОНАВИЙ ВА НАМУНАВИЙ ХИЗМАТ

Тиббиёт

Сирдарё вилояти Ховос тумани Соҳибкор қишлоғида жойлашган қишлоқ врачлик пункти 6438 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаяпти. Эътиборли жиҳати, маскан энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминланган.

— Врачлик пунктимиз туман марказидан 40 километр олисда жойлашган, — дейди ҚВП мудири, “Шуҳрат” медали соҳиби Абдураҳмон Ботиров. — Қишлоқдошларимиз илгари оддий бир ташҳис учун ҳам туман марказига боришга мажбур бўлишарди. Эндиликда аксарият ҳолларда хасталикларни аниқлаш ва тиббий муолажа ишлари шу ернинг ўзида амалга оширилаяпти. Бунинг учун моддий-техник имкониятларимиз ҳам, мутахассисларимизнинг тажриба ва малакаси ҳам етарли. “Саломатлик” лойиҳаси асосида электрокардиография, автоклав, дистилятор, фотоэлектрокалориметр, монокуляр микроскоп каби замонавий тиббий жиҳозларга эга бўлганимиз, 2009 йилда ҚВП биноси ҳомийлар маблағи ҳисобидан капитал таъмирлангани мавжуд имкониятларимизни янада кенгайтирди.

Дарҳақиқат, қишлоқ шифохонасида барча қулайликлар мавжуд. Икки нафар умумий амалиёт шифокори эл хизматида. Шунингдек, 12 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимининг аксарияти тиббиёт коллежини битирган ёшлардир.

— Қизим Янгиер тиббиёт коллежини битириб, Соҳибкор қишлоғига келин бўлиб тушган эди, — дейди Фарҳод-5 қўрғони ҳудудида яшовчи Дилбар Қаршиева. — Яқинда уни ушбу қишлоқдаги ҚВПга ишга қабул қилишди. Фарзандимнинг иш жойи билан танишиш мақсадида у ерга боргандим. Очиғи, кўркам бино, сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари, яратилган қулайликларни кўриб, ҳайрат ва ҳавасим ортди.

Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Нарзулла Насруллаевнинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўзида 48 нафар тиббиёт коллежи битирувчилари ишга қабул қилинибди.

— Врачлик пункти ходимларидан жуда мамнунман, — дейди Насиба Эсонова. — Бугун бир ёшу етти ойлик фарзандимни профилактик кўрикдан ўтказиш учун олиб келгандим. Шифокорлар тегишли маслаҳат ва тавсиялар беришди. Зарур муолажаларни ҳам шу ерда олишим мумкин экан. Энди туман марказига бориб овора бўлишимга ҳожат қолмади.

— Туманимизда 15 та шундай ҚВП, 7 та тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди Нарзулла Насруллаев. — Қишлоқ врачлик пунктларининг 7 таси янгидан қурилган, 8 таси тубдан таъмирланган ҳамда “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари асосида тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ихтиёримизда 195 ўринли шифохона, 16 та амбулатория-поликлиника муассасаси, кўп тармоқли поликлиника мавжуд. Эътиборлиси, 2011 — 2012 йилларда 40 ўринли туғуруқ комплекси қурилиши ва марказий шифохона бўлимларини таъмирлаш ишлари уддаланди. Бунинг учун 2 миллиард 750 миллион сўм маблағ ажратилган.

Муҳими, бундай эътирофга молик ишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг июнь ойигача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ҳамда шифокорлар иштирокида вилоятнинг 8 та туманида фаолият юритаётган 72 та ҚВПда 12 маротаба “Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ҳафталиги” тадбирлари ўтказилди. Пировардида 23 минг 568 нафар аёл, 11 минг 286 нафар 14 ёшгача бўлган ўғил-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Бинобарин, кейинги икки йил мобайнида вилоят қон қуйиш станцияси, ОИТСга қарши кураш маркази биноси, Перинатал марказининг жарроҳлик блоки, 6 та туғуруқ заллари, кўп тармоқли консультатив-диагностика поликлиникалари, она ва бола скрининг марказлари, Мирзаобод ва Боёвут туманларида замонавий ҚВПлар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, вилоят юқумли касалликлар шифохонасида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, бугун ҳар бир юртдошимиз малакали тиббий хизматдан баҳраманд. Зотан, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам замонавий врачлик пунктлари, шифохоналар фаолияти йўлга қўйилгани, саломатлигимизни асраб-авайлаш, ҳар қандай хасталикни ўз вақтида аниқлаб, тегишли муолажаларни амалга ошириш учун барча имконият яратилгани юртимизда инсон манфаатлари устувор эканлигидан далолатдир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ибрат

Тошкент шаҳридаги 103-ихтисослаштирилган махсус мактаб ўқувчилари — опа-сингил Мавзода ва Хушруй Юнусовага тенгдошлари айрича ҳавас билан қарайди. Негаки, опа-сингиллар келажакдаги ёруғ орзуларининг ушалиши учун бугундан мустаҳкам замин яратиш йўлида ўқиб изланаяпти, интилаяпти.

ШИФОКОРНИНГ СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИ

Спорт — танни тоблайди, мусиқа — дилни юксалтиради, математика — ақлни чархлайди... Мавзода ва Хушруй камолот пиллапояларидан мана шу ҳикматга айланган ҳақиқатни дастуриламал қилиб одимлаяпти. Албатта, бу йўлда уларнинг оталари Рустам ака ва Замира опанинг йўл-йўриғи, маслаҳати, тарбияю хизматлари ҳам беқиёс.

Қизалоқлар 4 — 5 ёшидаёқ шарқона кураш — ушу спорт турига меҳр қўйишди. Улар шу кунгача Ўзбекистон Республикаси очиқ чемпионати, республика биринчилиги, Ўзбекистон кубоги каби нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келаяпти. Масалан, Мавзода мамлакатимиз миқёсидаги турли мусобақаларда фаол қатнашиб, 22 та медалга сазовор бўлди. Ушбу медалларнинг 17 таси олтин, 4 таси кумуш, 1 таси бронза... Хушруйнинг ҳисобида эса жами 14 та медаль: шулардан 5 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза...

Ёш спортчи қизлар бугун машғулотларини “Профи” спорт клубида давом эттириб келмоқда. Опа-сингилларнинг муваффақиятга эришишларида эса устозлари Тоҳир Эргашев, Дилшод Бозоров, Данил Сафиннинг ўрни беқиёс.

> Шу ўринда бир савол туғилади. Қизалоқларни спортга ундаган куч нима? Албатта, оилабоши Рустам Юнусовнинг спортга бўлган юксак иштиёқи. У кишининг ёшлик орзулари қизлари Мавзода ва Хушруйнинг қалбига кўчди. Рустам ака 18 ёшида бокс бўйича спорт усталигига номзод бўлди. Кейинчалик ушу спорт тури билан шуғулланди. Мусобақаларда фаол иштирок этди. Спортдан ажралмаган ҳолда ўқиб, шифокорлик касбини эгаллади.

— Спорт — соғлом турмуш тарзи учун муҳим омил саналади, — дейди Рустам Юнусов. — Айниқса, ушу кишини ҳам жисмонан соғлом, ҳам руҳан тетик қилади. Қизларимда ўзимнинг орзуларим рўёбини кўриб доимо қувонаман. Улар ушуни мукаммал эгаллаб бораяпти. Бунинг учун эса юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Фарзандларимнинг ана шу эътиборга муносиб тарзда халқаро майдонларда жонажон юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганларини кўрсам, бу қувончим юз чандон ошиши, шубҳасиз...

Мавзода ва Хушруй нафақат спортни, балки мусиқа илмини ҳам маҳорат билан ўзлаштираяпти.

— Синфда Мавзода каби фаол ўқувчиларнинг борлиги бошқа болаларнинг ҳам дарсга иштиёқини юксалтиради, — дейди унинг синф раҳбари Тожихон Сирожитдинова. — Ўқувчиларга бировни ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлсак, “қаҳрамон”ни узоқдан изламаймиз, у ёнгинамизда. Мавзоданинг ҳар бир мусобақалардаги иштирокини бутун синф билан кузатиб борамиз.

Болаликдан мустақил ҳаёт йўлига замин яратилса, ёруғ келажакка эришилади. Бунда, албатта, оталарнинг, ўқитувчи-мураббийларнинг катта ўрни, улкан ҳиссаси бўлади. Айниқса, замонавий билим олиш, истеъдод ва иқтидорни юзага чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратиб берилган жонажон юртимизда ёшларимиздан фақат ўқиш, изланишу фидойилик талаб қилинади.

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА.

● Реклама ва эълонлар ●

Ҳамюртимиз кумуш медаль соҳиби

Австриянинг Грац шаҳрида фигурали учиш бўйича “Memorial Leo Show” халқаро турнири якунланди. Дунёнинг энг кучли спортчилари иштирок этган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Михаил Ге кумуш медални қўлга киритди.

Спорт

Ҳамюртимиз якка-лик баҳсларида 199,12 балл жамғариб, АҚШлик Стефан Карьердан кейинги ўринни эгаллади. Мезбонлар вакили Виктор Прейфер эса учинчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу медаль спортчимизнинг жорий йилда халқаро мусобақаларда қўлга киритган иккинчи совринидир. Михаил август ойида Хитойнинг Дунгуан шаҳрида ташкил этилган “Asian Figure Skating Trophy 2011” турнирида ҳам кумуш медаль билан тақдирланганди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

ОБ-ҲАВО (12 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2-7 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 2-7 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 2-4 даража илиқ, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 186,7 ▲ +6,8	ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 181,2 ▲ +3,5	АРМАТУРА 3598,8 ▲ +329,2	ШИФЕР (1 лист) 15065 ▲ +289	АЗОТ. ФОСФОР. ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5